НИСБАТ КАТЕГОРИЯСИНИНГ ПРАГМАТИК ТАДҚИҚИ: МАСАЛАНИНГ ҚЎЙИЛИШИ

А.М.Тошпўлатов

Мақолада нисбат категорияси шаклларининг прагматик аспектини ўрганиш зарурияти кўриб чиқилган. Бу борадаги қарашлар танқидий ўрганилиб, муаммони ўрганишга доир муаллиф концепцияси баён қилинган.

Калит сўзлар: *нисбат, категория , прагматика, семантика, нутқий амалиёт*

В статье обоснована необходимость исследования прагматического аспекта форм категории залога. Критически рассмотрены точки зрения на данную проблему. Изложена концепция автора по исследованию прагматики залога.

Ключевые слова: *залог, категория, прагматика, семантика, речевая практика*

The article studies the necessity of pragmatic aspect of the category of voice. The views relating to this matter are critically studied. The author's conception concerning studying of ratio pragmatics is explained.

Key words: *ratio, category, pragmatics, semantics, speech act.*

Тилнинг прагматик тавсифида унинг типологик таснифи ўз аксини топиши шак-шубҳасиз. Хусусан, ўзбек тили агглютинатив тиллар сирасига кирар экан, унда айнан морфологик воситаларнинг ҳар қандай вазифа ўташда, масалан, прагматик тус ифодалашда етакчи бўлиши ҳам шак-шубҳасиз. Аммо бу прагматик тус фаол ифодаланса-да, морфологик бирликлар табиатидан келиб чиқиб, уларни таҳлил қилиш лексик ва аналитик шакллар тавсифига нисбатан анча мураккабдир. Туркий тилларда морфологик категориялар юқори даражада шаклланган ёпиқ тизимлар сифатига эга [7.7-8]. Бу эса уларни тадқиқ этишда муайян қийинчиликлар ва муайян енгилликлар беради. Қийинчилик шундаки, морфологик категориялар агглютинатив тилларда шу тилга хос бўлган ҳар қандай имманент жиҳатларни жамлайди. Бу эса улар моҳиятининг бағоят кўпқиррали бўлишига олиб келади*. Енгиллиги шундаки, бир категория мисолида очилган хусусиятларнинг шу типдаги бошқа морфологик категорияларда ҳам акс этиши тақозо қилинади.

Морфологик категориялар тизимида алоҳида ўрин тутувчи нисбат категорияси тадқиқи бошқа категориялар тадқиқи учун ҳам қимматли материал бериши шубҳасиз. Чунки айнан нисбат моҳиятида грамматик ва луғавий жиҳатлар чамбарчас боғланган деб ҳисобланади.Шу билан бирга айнан қайси жиҳатлар грамматик, қайсилари луғавийлиги борасидаги баҳс-мунозаралар охирига етган дейиш қийин [7.82-83]. Айнан нисбат сўзшакл ҳосил қилишда бошқа морфологик категориялар билан умумий жиҳатларга эга бўлиш билан бирга, бошқа ҳеч бир морфологик категорияда учрамайдиган алоҳида хусусиятга ҳам эга: нисбат шакллари бир асосга бир неча марта қўшила оладики, бундай фавқулодда ҳолатнинг қандай асослари борлиги масаласи ҳали мақбул ечимга эга

эмас. Нисбат табиатидаги бу ва бошқа жиҳатлар тадқиқи унинг прагматик тавсифи учун муайян аҳамиятга эга. Прагматик тадқиқотлар грамматик тадқиқотлар натижаларига асослангандагина илмий бўлади. Нисбат категорияси прагматикаси тадқиқига ўтишдан олдин ушбу категориянинг моҳияти, морфологик тизимдаги ўрни борасида қарашлар билан қисман танишиб чиқсак.

Нисбат категорияси борасида салмоқли тадқиқотлар олиб борилган. Бироқ категория тавсифи борасида қарашлар хилма-хиллигича қолиб келмоқда. Ўзбек анъанавий-назарий тилшунослиги учун асос бўлган рус классик тилшунослигида М.В.Ломоносовдан В.В.Виноградовгача бўлган катта авлод нисбат категорияси аъзолари таснифида ҳам, тавсифида ҳам ғоят хилма-хил қарашлар тақдим этадилар: нисбат аъзолари 3-6 та бўлиб, улар қуйидаги семантикага эга:

1. Нисбат ҳаракатнинг субъектга муносабатини кўрсатади.

2. Нисбат ҳаракатнинг объектга муносабатини кўрсатади.

3. Нисбат ҳаракатнинг объект ва субъектга муносабатини кўрсатади.

Шунингдек,

1. Нисбат луғавий категория (сўз ясовчи).

2. Нисбат морфологик категория.

3. Нисбат синтактик категория [2.495-510; 10.39-49; 13.125-135].

Албатта, булар мавжуд қарашларнинг охирига етган сираси эмас. Хусусан, сўз ва сўзшаклга ўзига хос муносабат ("...сўзнинг кўпмаънолилиги ёлғон тушунча: қаерда иккита маъно бўлса, у ерда иккита сўз бор" [10.39]) билдирган А.Потебня феълнинг турли нисбатдаги ҳар бир шаклини алоҳида сўз деб ҳисоблайди. У юқорида жамлаб кўрсатилган нисбатга берилган тавсифларнинг барчасидан фарқли таърифни тавсия этган. Нисбат "субъектнинг объектга муносабатидир... Бу ерга объектнинг йўқлиги ҳам киради. Бу ҳол фақат субъект мавжудлиги орқалигина мумкин бўлади" [10.201]. Кўринадики, у нисбат семантикасидан ҳаракат маъносини чиқаради. Албатта, бу олим нисбат феълга хос категория эканини рад этади дегани эмас. Аммо феълнинг нисбат билан ўзгариши феълни ўзгартириш учун эмас, объект ва субъект муносабатини ўзгартириш учундир. Бу ўринда А.Потебня нисбатнинг грамматик моҳиятидан кўра прагматик реаллашувига кўпроқ эътибор қаратгани кўринади. Грамматик категория моҳиятига бу хил ёндашувда А.Потебня ёлғиз эмас. Машҳур "Тил тарихи принциплари" асари муаллифи Г.Паулга кўра: "Ҳар қандай грамматик категория психологик категория асосида юзага келади" [8.315]. Нисбат ҳам, унингча, психологик ва грамматик эга орасидаги турлича муносабатларни акс эттириш вазифасини бажаради. Г.Пауль, кўринадики, нисбат моҳиятида акс этиб турган психологик-прагматик жиҳатларни тўғри илғаб етган. Аммо нафақат нисбат, балки умуман ҳар қандай морфологик категория амалида прагматик аспектлар тил бирлиги билан эмас, психологик категориялар билан боғлиқ деган хулосага келган, чунки унга кўра: "Грамматик категория қайсидир маънода психологик категориянинг қотиб қолган шаклидир; у турғун анъана билан боғлиқ. Психологик категория эса индвидуал ҳиссиётларга боғлиқ равишда доим янгича кўриниш касб этувчи, тирик ва озод нимадир бўлиб қолаверади" [8.315]. Унингча грамматик категорияларнинг "туғилиши" психологик жараёнлар билан боғлиқ. Мавжуд грамматик категориялар доирасига сиғмай қолган психологик жиҳатлар янги грамматик категориялар пайдо бўлишига олиб келади [8.315]. Замонавий жаҳон тилшунослигида, жумладан, рус тилшунослигида грамматик категориялар, хусусан, нисбат табиатидаги прагматик жиҳатлар тадқиқига доир кўплаб тадқиқотлар юзага келди. Нисбат шаклларининг нутқда танланиши айнан прагматик моментлардан келиб чиқишига доир қарашлар шаклланди [12.9]. Аммо конкрет таҳлиллар доирасида энг замонавий тадқиқотлар ҳам нисбат семантикасида ҳаракат – объект – субъект учлиги муносабатларидан чиқиб кетолмайдилар ва нисбатга берилган таърифлар нафақат унинг прагматик табиати, балки грамматик табиатини ҳам тўлиқ тавсифлаб бера олмаслигини қайд этишни канда қилмайдилар [12].

Ўзбек тилшунослигида нисбатнинг ўрганилишига назар ташласак, худди юқоридагидаги каби манзарани кўрамиз. Нисбат категорияси генезиси ва тараққиёти ҳамда синхрон ҳолатига доир жуда кўплаб тадқиқотлар олиб борилган. Нисбат моҳиятини белгилашда юқорида кўриб ўтилган жаҳон тилшунослари қарашларига эргашиш тенденцияси етакчилик қилади. Шу билан бирга нисбат моҳиятига қарашлари билан анча илгари кетган, ўзбек тили хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ушбу категория моҳиятига чуқур кириб борган тадқиқотлар ҳам учрайди. Хусусан, М.Аъламова нисбат семантикасига доир субъект, объект, омил ва предикатнинг 12 хил муносабатлардан иборат тизимини таклиф этади ҳамда нисбатнинг қаватланиб қўлланишида ҳар бир нисбат қўшимчасининг ўзига хос грамматик вазифа бажаришига доир фикр айтади (одатда, сўзнинг нисбат шакларидан фақат охиргиси ҳисобга олиниши қайд этилади ва қатордаги бошқа нисбат шакллари

эътибордан четда қолади), шу муносабат билан одатда фарқланмай ишлатиб келинган нисбат ва даража атамаларини фарқлайди [1.18-21].

Ш.Шаҳобиддинова ҳам ўз тадқиқотларида нисбат шакллари қўлланишидаги бу ўзига хосликка эътибор бериб, ушбу ҳолатни нисбат шаклларида бошқа морфологик категориялар аъзоларига нисбатан кучли бўлган луғавийлашув билан боғлайди: “Ўзбек тили учун одатий бўлмаган бундай ҳол (кўрсаткичларнинг кўплиги, шунингдек, қаватланиб қўлланиши)га сабаб сифатида умуман нисбат учун характерли бўлган луғавийлашув имкониятининг орттирма нисбатда янада кучлилиги натижасида луғавий жиҳат кучая бошлаган кўрсаткич устига грамматик жиҳат устунлигини ошириш учун яна бир орттирма даража кўрсаткичи қўшилишини кўрсатиш мумкин. Масалан, тарихан *қай+т+ар*, синхрон *ишла+т+тир* каби” [16.111].

Умуман айтганда, ўзбек тилшунослигида бугунгача олиб борилган тадқиқотларда нисбатнинг грамматик табиатига доир қарашларнинг ғоят хилма-хил тизими яратилган, бироқ бу борада ягона ечимга келинмаган. Шунингдек, ўзбек тили морфологик тизимида алоҳида ўрин тутувчи ушбу категориянинг амали борасида деярли тадқиқотлар олиб борилмаган. Бизнингча, ҳар қандай тил бирлигининг тилда мавжудлиги унинг амалиёт учун зарурияти билан чамбарчас боғлиқ. Тилга “ўзида ва ўзи учун ” система сифатида таъриф берган структурализм намояндалари ҳам тилнинг системавий манзараси ҳар бир тил ташувчиси учун индвидуал эканлигини таъкидлаган [11]. Албатта, бу индвидуалликни ибтидоий тушунмаслик лозим. Тил деб аталмиш мукаммал тизим миллат онгида яшайди (балки, онгини ташкиллайди). Миллат онги ва миллат вакили онгининг муносабати тақозолар тизимини ташкил этади.

Бугунги фанимизда нисбат категориясининг прагматика ифодаси бўлган услубшунослик нуқтаи назаридан ўрганилиши жуда суст даражада. Бу соҳада шундоқ ҳам кўп бўлмаган адабиётларнинг айримларида нисбат категорияси умуман назардан четда қолган бўлса [18], айримларида жуда кичик маълумотлар берилади [19.55-58]. Жаҳон тилшунослигининг кейинги бир неча ўн йилликларда етакчи бўлган прагматик йўналишида бу категория бўйича махсус тадқиқотлар олиб борилмади.

Бизнингча, нисбат категориясини прагматик таҳлил қилиш зарурияти қуйидагилар билан асосланади:

1.Ушбу категориянинг прагматик тавсифи яратилмаган.

2. Нисбат нафақат ўзбек тили, балки жаҳон тилларининг барчасида ҳам феълни таснифловчи категориядир. Феълнинг нутқда энг фаол сўз туркуми эканлигидан келиб чиқиб, нутқ характеристикаси – прагматикасида нисбатнинг ўрни катта эканлиги кўринади.

3. Нисбат туркий тиллар, жумладан, ўзбек тилида ҳам морфологик категориялар ичида шаклларининг миқдор жиҳатдан кўплиги, қўлланиш жиҳатдан ўзига хослиги билан ажралиб туради. Бундай категория прагматик тадқиқи бошқа морфологик категориялар тадқиқи учун катта материал бериши шубҳасиз.

4.Нисбат ўзбек тили морфологик категориялари сирасида сўзшаклнинг нафақат морфологик ва синтактик характеристикасини, балки луғавий характеристикасини ҳам ўзгартириши билан алоҳида ўрин эгаллайди. Нисбат ўзи қўшилаётган феъл асос валентлигини, ўтимли-ўтимсизлик каби луғавий характеристикасини ўзгартира олади. Шакл ясовчилар, сўз ўзгартирувчилар, сўз ясовчилар тизимида нисбат тизим аъзоларининг ҳар бирига хос бўлган жиҳатларга эгалиги ва бу жиҳатларни ўзига хос индвидуаллаштириши билан ажралиб туради. Демак, ушбу категориянинг прагматик тадқиқи умуман ўзбек тили сўз ясалиши ва шакланиши тизими прагматикасида ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Шу билан бирга нисбат категориясининг прагматикаси тадқиқи ҳам мураккаб кечиши шубҳасиз. Бунинг бир нечта сабаблари бор:

1.Кўриб ўтганимиздек, нисбат категориясига ҳамма учун маъқул тавсиф берилмаган.

2.Нисбат билан боғлиқ диатеза, казуаллик, медиаллик каби тушунчалар тадқиқи талаб даражасида эмас.

3.Нафақат нисбат, балки умуман морфологик категориялар прагматикаси борасидаги тадқиқотлар ҳам замонавий талаблар даражасида олиб борилмаган.

Ушбу категория прагматик тавсифини яратишда кўрсатиб ўтилган муаммоларнинг ҳал этилиши ўзбек морфопрагматикаси тараққиётида алоҳида ўрин тутиши шубҳасиз.

Адабиётлар:

1.Аъламова М. Ўзбек тилидаги феълларда нисбат категорияси. – Т.,1992.-144 б.

2. Виноградов В.В. Русский язык. – М.: Высщая школа,1986. – 640 с.

3. Мещанинов И.И. Глагол. – М.-Л.: Изд. АН СССР,1949. – 198 с.
4. Миртожиев М. Нисбат категориялари формантлари ва улар семантикаси генезиси. Ўтимлилик ва орттирма нисбат категорияси // Ўзбек тили ва адабиёти. -1982. -N4.- Б. 6-10.
5. Миртожиев М. Нисбат категориялари семантикаси ва улар формантлари генезиси. Ўтимсизлик ва ўзлик нисбати // Ўзбек тили ва адабиёти. -1983. -N2. - Б. 11-13.
6. Неъматов Ҳ. Феъл нисбатларининг муносабати ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. -1970. -N3. - Б. 37-39
7. Нигматов Х.Г. Функциональная морфология тюркоязычных памятников XI-XII вв. - Т.: Фан, 1989.- 191 с.
8. Пауль Г. Принципы истории языка. – М.: Издательство Иностранной литературы, 1960. – 499 с.
9. Пестова Н.В., Суменкова Е.М. Прагматическая направленность страдательного залога в политической коммуникации // Вестник Южно-Уральского государственного университета. №25. 2009. – CyberLeninka.ru>article/n/pragmatic
10. Потебня А.А. Из записок по русской грамматике. Т.1-2. – М.: Учпедгиз, 1956. – 536 с.
11. Соссюр Ф.де. Курс общей лингвистики (извлечения) // www.slovesnik.ru
12. Суменкова Е.М. Процесс усвоения прагматики категории залога на занятиях по практической грамматике в языковом вузе // Педагогическое образование в России. №1.2012. – Cyber Leninka. ru>article/n/pragmatic
13. Фортунатов Ф.Ф. Избранные труды. Т.2. – М.,1957. – 540 с.
14. Фозилов Э. Феъл даража ясовчи аффиксларининг тарихи // Ўзбек тили ва адабиёти. -1960. -N3. -Б. 54-58.
15. Шайкевич А.Я.и др. Введение в языкознание. – Т.: Ўқитувчи,1989. - 312 с.
16. Шаҳобиддинова Ш. Ўзбек тили морфологияси.– Андижон, 2012. – 151 б.
17. Шаҳобиддинова Ш.Ҳ. Татбиқий тилшунослик тезислари.// АДУ. Илмий хабарнома.- 2016.- №3.– Б.78-81
18. Шомақсудов А. ва бошқ. Ўзбек тили стилистикаси. – Т.:Ўқитувчи,1983. – 248 б.
19. Қиличев Э. Ўзбек тилининг амалий стилистикаси. – Т.: Ўқитувчи,1992. – 160 б.
20. Ғуломов А. Феъл. – Т.,1954. – 128 б.
21.Ҳакимов М. Ўзбек прагмалингвистикаси асослари.– Т.: Академнашр, 2013. – 116 б.
22.Ҳожиев А. Феъл.- Т.: Фан, 1973.- 192 б.

Қўқон давлат педагогика институти,
2016 йил 2 ноябрда қабул қилинган
(Тақризчи: ф.ф.д. Д.Набиева)